



ТОШКЕНТ ТОҚҚАШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 4 (9.807)

2003 йил 7 ЯНВАРЬ

Шаҳримиздаги «COLORFLEX» Ўзбекистон-Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма корхонаси иш бошлаганига унча кўп вақт ўтмаган бўлсада, унинг буюртмачилари сони ортиб бормоқда.

СУРАТДА: назорат бўлими бошлиғи — малакали мутахассис Анатолий Ждан шогирди Руслан Сюликов билан навбатдаги буюртмани бажариш жараёнида. Тохир Нигматуллин олган сурат.



XXI сағоси
Барча мамлакатдан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида илмий-тадқиқот институтларининг 2002 йилги иш якунларини кўриб чиқиш ва жорий йилги вазифаларни белгилаш юзасидан йиғилишлар бошланди. Дастлабки йиғилиш физика-математика ва техника фанлари йўналишларида амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифаларга бағишланди.
- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи ҳаётга татбиқ этиш юзасидан бугунги кунда таълим муассасалари моддий-техник негизини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан шаҳримизда бу йил фойдаланишга топширилаётган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини замонавий мебеллар билан таъминлашга бағишланган мебеллар кўرғазмаси ташкил этилди.

- Фанлар академияси олимлари томонидан Ядро физикаси институти қошидаги «Радиофармацевт» кичик корхонаси ҳамда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида С ва В гепатит ташхиси учун юқори сифатли радиоиммунологик препарат ишлаб-чиқилиб, синовдан ўтказилди.

- Ромитон туманининг «Богй туркон» фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли ҳудудда 275 ўқувчига мўлжалланган кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

- Аньанага кўра 2003 йилнинг энг яхши спортчилари ва мураббийлари терма жамоалари ва федерацияларининг номлари эълон қилинди. Гимнастикамиз «маликаси» Оксана Чусовитина йилнинг энг яхши спортчиси деб топилган бўлса, учинчи йил қаторасига Ўзбекистон Бокс федерациясининг фаолияти энг яхши деб топилди. Бокс, эркин кураш, футбол бўйича ёшлар терма жамоаси, байдарка ва каноэда эшак эшиш ва кураш бўйича терма жамоалар Ўзбекистоннинг энг яхши термалари деб тан олинди.

- **Бугун** шаҳримизда ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлди. Кундузи ҳаво ҳарорати 10-12 даража илиқ бўлди.



Жаҳонда

- Литванинг янги Президенти Роналдас Паскас ўзининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятини оширишга 26 февралда парламентада қасамёд қабул қилганидан сўнг киришди.

- Россия ва Саудия Арабистони нефть нархини сезиларли даражада камайтириш юзасидан биргаликда ҳаракат қилишларини билдирдилар.

- Тель-Авив шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида камиди 22 киши ҳалок бўлди ва ўнлаб кишилар тан жароҳатлари олди.

- Россия «Зангори оқим» лойиҳаси асосида Қора денгиз орқали Туркияга газ беришни бошлади.

- Жазоирнинг Батна шаҳри яқинида ҳаракатланаётган автоколоннага ҳужум уюштирилиши сабабли 40 дан ортиқ аскарлар ҳалок бўлди ва 19 нафари жароҳатланди.

ЯПОНИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти — Сока университети фахрий доктори» сарлавҳаси остида Япониянинг етакчи нашрларидан бири «Сейкё Шимбун» газетасида бош мақола чоп этилди.

Мазкур газета «Сока Гаккай» номли йирик буддийлар ташкилоти органи бўлиб, у 5 миллиондан зиёд нусхада чоп этилади. Газета ўз саҳифаларида мамлакатимиз тўғрисидаги мақолаларни мунтазам равишда эълон қилиши билан диққатга сазовордир. Хусусан, унда Ўзбекистоннинг жўғрофий — сиёсий мавқеи, маданияти, санъати, илм-фани, бугунги ҳаёти ҳамда таълим соҳасига оид маълумотлар ва турли фотолар ҳақидаги ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Бу галги махсус мақола яқинда Тошкентда бўлиб ўтган муҳим бир воқеага бағишланган.

«Дунё фанини ривожлантиришга, ёшлар таълими ва тарбиясига кўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Сока университетининг фахрий доктори унвони берилди. Уни Ўзбекистонга ташриф буюрган университет ректори Масами Ваказ тантанали равишда топширди», дейилади мақола муқаддимасида.

«Сейкё Шимбун» муҳбири Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли муҳим ўзгаришлар ва ислохотларга тўхтаб экан, уларнинг жаҳондаги энг нуфузли институтлар томонидан эътироф этилаётганини алоҳида қайд этади. «Мазкур мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида эришилаётган ютуқлар ЮНЕСКО ва шу каби қатор нуфузли халқаро ташкилот-

лар томонидан юқори баҳоланмоқда», деб таъкидланади газетда.

Мақола муаллифининг ёзишича, «Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов нафақат ўз халқи орасида катта обрў ва ҳурмат қозонди. У 1994 ва 2002 йилларда Японияга ташриф буюриб, Кунчикар мамлакатда ҳам катта шўхратга эга бўлди».

Дарвоқе, ўтган ўн йилдан зиёд давр мобайнида Сока университети олимлари Тошкентдаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги археологик изланишларда иштирок этиб келмоқда. Икки мамлакат вакилларининг ушбу ҳамкорликлари ўларок, Сурхондарё вилоятида бебаҳо археологик топилмалар қазиб олинди, унинг натижаси Японияда нашр этилган илмий каталогда ўз аксини топди.

Айни пайтда эса мазкур университет республикамиз мутахассислари билан алоқаларни янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Япония газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўрғазмалар залида «Сока Гаккай интернешнл» ташкилоти Президенти Дайсаку Икеданинг «Табиат билан мулоқот» деб номланган фотокўрғазмаси бўлиб ўтгани тўғрисида ҳам хабар берилган.

Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА, Токио.

ҚИСҚА САТРАРДА

□ **РЕСПУБЛИКА** шошилинч «Тез тиббий ёрдам» илмий марказининг кардиология ва реанимация бўлимига ўткир инфаркт хасталиғи билан оғриган беморларни даволаш мақсадида хориждан замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

□ **МИРЗО** Улуғбек номли sanoat касб-хунар коллежида ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқитувчилари иштирокида таълимнинг узлуксизлиги ва мутаносиблигини таъминлашда замонавий технологияларнинг ролига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли кардиология институтида шифокорлар, провизорлар иштирокида ўтказилган йиғилишда юрак қон-томир касалликларини даволашда самара берадиган «Анаприлин» препарати ишлаб чиқарилганлиги ва синовдан ўтказилганлиги таъкидлаб ўтилди.

□ **ХАМЗА** туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳаллада 700 нафар болалар иштирокида янги йил тантаналарига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

АССАЛОМ, «НАВРЎЗ»!

Янги йилда республикамиз радиостанциялари сони яна биттага кўпайди. Шу йилнинг 4 январидан бошлаб FM 88,4 MHz тўлқинида «Наврўз» радиоси эфирга чиқди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва «Наврўз-ПТК» фирмаси мазкур радиостанциянинг таъсисчилари бўлишиди.

«Наврўз»ни ташкил этишдан мақсад, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва маданий ҳаёти янгиликларини тингловчиларга етказиш, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги воқеаларни шарҳлаб боришдан иборатдир.

Иқтисодиёт

Академия
тингловчилари
корхонада

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тахсил олаётган тингловчилар учун жойларда амалий машғулот дарслари ташкил этилган. Бундан мақсад академияда олинаётган назарий ва амалий билimler бевосита жойларда қандай жорий этилаётганлигини кўриш ва таҳлил қилишдан иборат.

Худди ана шундай амалий машғулот дарси «Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари» факультети тингловчилари учун «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамиятида ўтказилди. Машғулот «Стратегик маркетинг» фанидан «Қорхона ва маҳсулот рақобатбардорчилигини таҳлил қилиш» мавзусида бўлди.

Республика машина-созлиги ривожига улкан ҳисса қўшаётган корхоналардан бири «Тошкент трактор заводи» ўзининг 60 йиллик тарихида юксалиш, турғунлик, иқтисодий таназзулга яқин бўлган ҳолатларни ҳам бошидан кечирди. Ҳозирги ўзгаришлар тингловчилар учун катта мактаб вазифасини ўтади. Қорхона раҳбарининг техника масалалари бўйича ўринбосари Т. Харах ҳиссадорлик жамиятининг асосий ишлаб чиқариш йўналишлари билан тингловчиларни таништирди. Айниқса, корхонанинг экспорт салоҳияти, маҳсулотлари, асосий рақобатчилар, нарх сиёсати ҳақида завод тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари Г. Коробонинг сўзлари гоят катта қизиқиш билан тингланди ва тингловчиларнинг кўплаб савол ва баҳсларига сабаб бўлди.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Ю. Сиренко тингловчиларни корхонанинг келажақ режалари ва ишлаб чиқариш билан таништирди.

Мухтасар қилиб айтганда, тингловчилар корхонада ўтказилган амалий машғулот дарсидан керакли ва зарур билimlerни ола билдиллар.

Инобат НОДИРШОХ
қизи

Тошкент метрополитенининг биринчи участкаси ишга тушганига ҳам 25 йилдан ошди. Ҳозирги кунда мавжуд метрополитенининг «Чилонзор», «Ўзбекистон», «Юнусобод» йўналишларининг иш режими 19 соатни ташкил этиб кундулик йўловчилар ташиш ҳажми эса 2,5 миллиондан ошиб кетди. Бундай юксак масъулиятни адо этишда 354 нафар турли миллат вакилларидан таркиб топган «Чилонзор» депосининг жонкуярлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишда давом этмоқдалар.

«Чилонзор» электр депосида 8 та цех мавжуд бўлиб, улар ўзларининг сардорларига эга. Чилангарлик касбининг етук мутахассислари Анвар Исмолов, Рустам Фаниев, Валерий Подсекаев, Фахриддин Усмонов, Хусниддин Фуломовларнинг метро хизматини такомиллаштиришда кўшиб келаётган ҳиссаларини фахр билан тилга олса арзийди.

Метро хизматини такомиллаштириш фаолияти билан машғул Маҳаммадjon Мурдинов етакчилигидаги поездлар ҳаракатини автоматик бошқариш цехи ходимларининг кўпчилиги ўрта ва олий маълумотли етук мутахассислардир. Цех ходимлари 23 нафар турли миллат вакиллари билан — 3 та гуруҳдан таркиб топган касб эгаларидир.

Ўз касбининг жонкуяри В.Алтибоев Тошкентда метро ҳаракати йўлга қўйилганидан бери жавлон уриб меҳнат қилиб келмоқда. У кашфиётчилик борасида ҳам метросозларга танилиб қолган. Умуман, цех ходимлари кейинги пайтларда 5 та янги техника ихтиросини яратдилар. «Чилонзор» электр депоси ходимлари томонидан яқиндагина ўз поёнига етган 2002 йил мобайнида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ички имкониятлардан самарали фойда-

ланиб, яхши натижаларга эришилди. Хусусан, метронинг «Чилонзор» йўналиши бўйича 66 миллиондан ортиқ йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатилди. Бир кунда 250 мингдан

«Чилонзор»
бекатининг
жонкуярлари

• МЕТРО



кўпроқ йўловчиларнинг узогий яқин қилинди. Метрополитен поездларининг ҳаракат жадвали 100 фоиз бажарилмоқда. Вагонларнинг ишлаш коэффиценти 0,76 ни ташкил этди. Янги техника, илғор технология ҳамда илмий-техник янгиланган иш жараёнида татбиқ этиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

«Чилонзор» электр депоси миқёсида метрополитен ёриткичларини ҳамда ҳаракат таркибини тўхташ масофасини текшириш мосламалари ишлаб чиқилди ва фойдаланишга топши-

рилди. Ўтган давр мобайнида қорхона ходимлари томонидан 14 та ихтирочилик тақлифлари киритилди, ихтирочилар сони 16 кишини ташкил этди. Меҳнат шaroитини яхшилаш тадбирларига биноан вагонларни қўйилган талабларга жавоб берадиган санитар ҳолатга келтириш мақсадида фаррош аёллар учун 2 та сув иситкич тайёрланди ва ишга туширилди.

Вагонларнинг гилдирак жуфтликларини соловчи «РАФА-МЕТ» русумли станок бўлинмаси қўшимча иситкичлар билан жиҳозланди. Электр аппаратла-

р учун 30 миллион сўмдан ортиқроқ харажатларни тежаш имконини берди. Олдинги йилларда иссиқ сув учун харажатлар 27 миллион сўмини ташкил қилган бўлса, янги ҳисоблаш ускуналари татбиқ этилганлиги сабабли бу кўрсаткич 16,8 миллионга туширилди. Ўтган йил мобайнида 8 нафар чилангар ва 6 нафар ҳаракат таркиби ҳайдовчилари ўз касб маҳоратларини оширди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларини 3 киши тамомлади.

Метрополитен қошида очилган техник мактабда 28 киши ҳаракат таркиби ҳайдовчиси курсларида таълим оляпти. Компрессорда ишловчи кадрлар тайёрлаш курсида 19 нафар ҳар хил мутахассислар бўйича 65 нафар ходим касб ўрганипти ва малакасини оширмоқда. Корхонада меҳнат фаолиятини тугатган ва ҳозирги вақтда кексалик гаштини суратган 26 нафар пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатилди. Қабул қилинган жамоа шарҳномасига биноан 4 ва шундан ортиқ болали 5 та оилага ҳамда 4 нафар ходимга саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Тошкент метроси чорак асрдан ортиқ муддат давомида аҳолининг талаб ва эhtiёжини қондириб келаётган йўловчиларга ҳар томонлама қулай транспорт воситасидир. Бу даргоҳда ишлашнинг ўзи катта бахт. Шу бахтдан баҳраманд бўлиш, йўловчиларга юксак маданий хизмат кўрсатишга муносиб ҳисса қўшиш жамоа ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчи ва кундулик шioriға айланмоқда.

Фаттоҳ АБДУРАХИМОВ,
Усмон МУҲАМЕДОВ.

• ТАДБИРКОРЛИК

ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАРДАН
Фойдаланиш

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина корхоналар қатори пойтахтимиздаги «Каноп» масъулият чекланган жамияти ҳам жиддий синювалардан ўтмоқда. Бюджет олдида йирик қарздорлар рўйхатига тушиб қолган ушбу корхонага тўловларнинг муддатини чўзиш имконияти берилгач, ундан оқилона фойдаланган ва тадбиркорлик билан иш юритган жамоа қарзларини вақтида тўлаб, иқтисодий ноқорлик ҳолатидан чиқишга муваффақ бўлди.

— Лекин қийинчиликлар шу билан тугамади, — дейди корхона директори Демьян Осадчук. — Каноп хом ашёсини тайёрлаш сезиларли даражада камайганлиги боис ҳам янги технологик ечимлар топишга тўғри келди: юқоридаги хом ашё билан биргаликда пахта калава ипини ҳам қайта ишлаш, техникавий матоларнинг бошқа турлари, буралган маҳсулотлар, иш қўлқопларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмларини бирмунча ошириш ва шу билан бирга янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Ҳозирги кунда корхонанинг аҳоли нисбатан барқарор, озим-кўпми соф фойда олиб ишлаяпти, ҳатто канопчилик соҳасига сармоя киритиш имконияти ҳам туғилган. Ниҳоят ишлаб чиқаришнинг ягона «занжири» (дала — каноп заводи — фабрика) йўлга қўйила бошлади. Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туман ҳокимлиги билан ҳамфикрликка эришилгач, корхона 2002 йилда барча ишларни асосан мустақил равишда бажариб, каноп ўстира бошлади. Шу мақсадда банкрот бўлган иккита каноп заводи сотиб олинди, улар негизда корхона захираларидан фойдаланган ҳолда каноп етиштириш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар

тармоғи тузилди.

«Каноп» масъулият чекланган жамияти бир неча йиллар давомида республикамизда энг йирик компаниялардан бўлган «ЎЗБАТ» қўшма корхонаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Корхонанинг маҳсулотига саноатнинг кабелъ ва гилам ишлаб чиқариш соҳалари томонидан қизиқиш катта.

Ҳозирда корхона қисман жут хом ашёси олиб келиш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш ва маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга интиломоқда.

— Биз учун энг муҳими, — дейди корхона раҳбари, — мутасадди ташкилотлар томонидан ерларнинг ўз вақтида бириктирилиб ёки ўзаро фойдали шартлар асосида узоқ муддатга ижарага берилишидир. Бу эса бизга деҳқончилик соҳасига, аниқроғи қишлоқ хўжалик техникаларининг хусусий паркинни шакллантириш, канопнинг янги навларини яратиш ва қўшимча иш жойларини яратиш каби йўналишларга ишонч билан маблағ сарфлаш имконини беради. Пировардида бу ишлар юртимизнинг иқтисодий салоҳиятига қўшилаётган улушнинг тобора ортиб, жамоамиз аъзоларидан ҳар бирининг моддий аҳоли яхшилиниб боришига олиб келади.

(Ўз мухбиримиз)

• АНЖУМАНЛАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг биносида Тошкент шаҳар хўжалик суди ва Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 сентябридаги Фармойиши билан тасдиқланган ташкилий-маърифий Дастурга мувофиқ «Ривожланаётган демократик жамиятда суд ҳокимияти мустақамлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Одил судлов
йўлида

Унда ўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи тўққизинчи сессиясида эътибор берилган одил судловни амалга оширишдаги муаммолар, суд ҳокимиятининг ривожланиши, унинг мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари, қонун устуворлигини таъминлаш борасида қилинадиган саъй-ҳаракатлар тўғрисида маъруза қилдилар.

Бундан ташқари конференцияда судларда қонуний қарор қабул қилинишида прокурорнинг роли, хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятидаги боғлиқлик ҳамда бу борадаги амалиётда учраётган муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

Конференциянинг ўтказилиши суд ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармок сифатида шаклланишига, одил судловни амалга оширишда умуминсоний демократик тамойилларга асосланган ҳамда халқимизнинг суд ҳокимиятига ишончини кучайтиришга қаратилган бўлиб, суд ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсадларидан бири ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлар эканлигини эътироф этди.

Шухрат САЙДОВ,
Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяси

Маданият

Музейга
совға

Бугунги кунда давлат музейларида экспонатларни намойиш қилиш жараёнида экран воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, аудио ва видеоаппаратлари орқали кўрсатилаётган экспонатлар томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ҳам бундай қулай имкониятларга эга бўлмоқда. Айни вақтда ҳужжатли ва видеофильмлар намойишига ҳам эътибор қаратилади. Шу ўринда «Ўзбек-телефильм» студияси томонидан яратилган қатор экран асарларини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

«Биз билган ва билмаган тарих» туркумида суратга олинган қатор фильмлар ҳам музей мулкига айланди. Гап шундаки, студиянинг ижодий маҳсули бўлган «Оғир синовлар даври» ҳамда «Тарих ҳукми чиқаради» деган видео ва ҳужжатли телефильмлар музейга совға сифатида топширилди.

Юбилей
томошаси

Қўллаб-қўллаб истеъдодли ёш раққос ва раққосларни тайёрлаб берган бу санъат даргоҳи ўзининг 55 йиллик санасини нишонламоқда. Биз учун қадрдон бўлган республика хореография билим юрти эндиликда Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби мақомига эга бўлиб, ўз фаолиятини янада жонлантириб юборди.

Ҳозир бу ерда Япония, Туркия, Россия, Қозғистон каби чет мамлакатлардан келган ёш истеъдодлар ҳам таҳсил кўрмоқда.

Яхши аъёнларни яратган бу билим ва маҳорат даргоҳи юбилейга атаб янги томоша дастурини тайёрлади. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театри сахнасида намойиш қилинган ушбу концерт миллий рақс санъатининг ўзига хос байрамига айланди.

Немис эртаги
асосида

Ўзбекистон ёшлар театри репертуаридан ўрин олган спектакллар қизиқиш билан томоша қилинади. Бу постановкалар орасида чет эллик адибларнинг асарлари ҳам бор.

Машҳур немис ёзувчиси Вильгельм Гауфнинг болаларга атаб ёзган ҳикояси эса «Саиднинг саргузаштлари» деб номланган спектакль учун асос бўлиб хизмат қилди.

Яқинда сахна юзини кўрган мазкур спектакль сценарийини театрининг бош режиссери Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наби Абдураҳмонов таниқли болалар ёзувчиси Анвар Обиджон билан ҳамкорликда ёзди. Унинг постановкаси ҳам қўтилгандек бўлиб чиқди.

Янги сахна асари декорация ва либосларини яратишда Тошкент миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаларининг хизматлари катта бўлди.

Ақбар АЛИЕВ

• САНЪАТ

Музыка санъатининг ҳаётимизда тутган ўрни каттадир. У инсоннинг ҳиссиётига, туйғусига қаратилган бўлиб шулар орқали унинг онгига ва руҳиятига таъсир кўрсатади.

ГУЛШАН АРО
ГУЛДАСТА

Куй, қўшиқ одамзодни сеҳрлайди, эзгуликка, меҳр-муҳаббатга ундайди, ширин орзуларга ошно этиб, юксак парвозлар сари чорлайди. Ўзбек миллий музыка санъати қадимдан мавжуд бўлиб бизнинг давргача айниқса устоз халқ созанда ва хонандаларидан Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Турғун Алиматов, Фанижон Тошматов, Марям Алимова, Халима Носировалар томонидан маромига етказиб ижро этиб келинган.

Устоз бастакор, моҳир созанда Фанижон Тошматов ўзбек миллий мумтоз музыка қўшиқчилиги ривожига улкан ҳисса қўшган санъаткордир. Айниқса унинг ташаббуси билан бундан 25 йил илгари ташкил қилинган «Дуторчи қизлар» ансамблини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

2002 йил сентябрда Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошида «Дуторчи қизлар» ансамблининг жажжи сафдоши сифатида янги «Қизлар гулдастаси» гуруҳи ташкил қилинди. Дафта миллий куй, қўшиқ ва лапарларга қайта сайқал бериб, халқ куйларини юқори поғонага кўтаришдек шарафли ишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Дафта раҳбари Роза Хўжаева қизларни икки гуруҳга бўлиб машғулот ўтказмоқда. Биринчи гуруҳ консерваториянинг Шарқ факультети халқ чолғу бўлимида ўқийдиган биринчи курс талаба қизларидан иборатдир.

Уларнинг бари Республика ёш ижрочилари кўрик-танловларининг совриндорларидир. Чангчи қизлар Азиза Мирхоннова, Хилола Жабборова, афғон рубобиди Нодира Шодиева, Нафиса Ҳожиева, ғижжака Фароғат Эшбековалар ўз маҳоратлари билан санъат шинавандаларининг эътиборини қозониб келмоқдалар. Иккинчи гуруҳни лицей ва мактабларнинг иқтидорли ёш ўқувчиларидан иборат дуторчи қизлар ташкил этади.

Дафтада асосан дутор, танбур, рубоб, чанг, доира, афғон рубобидан фойдаланишади.

Яна шунини алоҳида таъкидлашни истардикки, шу пайтгача ғижжакани асосан эркак созандалар ижро этиб келганлар. Қизлардан биринчи бўлиб Фароғат Эшбекова ғижжақ бўйича ёш ижрочилар кўрик-танловининг совриндори бўлди.

— Халқ мусикаси ёшларда инсонпарварлик, ватанпарвар-



Гулбахор ДАМИНОВА
СУРАТЛАРДА: «Қизлар гулдастаси» дастаси миллий куйларимизни ижро этмоқда.

СОФИНЧ

Қатра

Бугун юрагим ёмон ўртанди, кўнглим йиғлади, қалбим тирналди. Кўркам шаҳарнинг ён-атрофига кўрк бағишлаб турган қошоналаридан бағрингизга қочиб кетгим келади, дадажон.

Ха, мен сизни жуда-жуда соғиндим. Бир осмон остида, бир ер устида яшасагу ҳоҳлаган вақтимизда дийдорлашолмасак. Дадажоним, дардингизга малҳам бўлолмаганимдан ёниб кетмоқдаман. «Она қизим келдингми дейсиз», «келдим» эканману юзимни юзингизга босиб беармон ўтган болалигимни эслайман. Мунисганим мушфиқ онажонимни, баҳти барбод бўлган ёлғизгина опаганимни, қарчига келбатли акаларим бағрида ўтиб кетган ёшлигимни эслаб орзиқиб кетаман. Дадажон, эрқа қизингизни кўп эркалатиб юборган экансизу аммо метиндай иродани қалбига муҳрлаб қўйган экансиз. Мен сиздан тоабат қарздорман.

Бу ёшгина бошим не савдоларни кўрмади дейсиз. Бирок, кичкинагина жуссамда уриб

турган катта юрагим ҳаммасини ичига ютиб, ҳаёт деб аталмиш кураш майдонига чорлайверади. Мен ҳаётнинг синовлари олдида бошимни эгмадим, нокасларнинг тўхматларига парво қилмадим. Бағримга ҳиёнат ханжарларини урганларида ҳам, бемор бўлиб тўшақларда бемажол ётганимда ҳам дардимни дастурхон қилиб юрмадим. Оллоҳ берган беназир меваларим ширин қизларимни бағримга босаману ана қулиб яшайвераман.

Дадажон, бағрингизга отилиб тўйиб-тўйиб йиғлагим келса-да, бўғзимда аламли бир нидо нола қилсада, нимадир мени ушлаб туради, менимча бу сиз ўратган сабот ва бардод. Орамиздаги масофани узоқ деб сиздан ойлаб хабар ололмайман, тўғриси оила деб аталмиш кўрғо-

нимдан ортиб ўз истагимча бирон-бир иш қилишга ботина олмайман. Нега деган саволлар мени ўз исканжасига олиб, қийнайверади. Саволларга жавоб топа олмай оворай сарсонман. Дўсту душманимга бирдек очиқ дастурхонимга нега сиз, бир маротабагина ҳам кела олмайсиз.

Қани эди вужудингиздаги дардни сугуриб ташлаб, сизга дармон бўлсам дадажон! Олдимдаги фарзандлик бурчларини қачон адо этаман, адо эта оларимкинман деган ўй менга тинчлик бермайди.

Ха, мен сиздан тоабат қарздорман. Бу қарзни тўлаш учун бутун умрим ҳам қамлик қилади. Падари бузрукорим, олисдан бўлса ҳам мени дуо қилинг, токи мен бу ҳаёт йўлларида қўқилмай, фарзандларимни, оиламни ҳар қандай губорлардан асраб-авайлаб ўз меҳрим билан иситиб яшай.

Ўзим узоқда бўлсам ҳам доимо сизнинг кўнглингизни бағримга босиб яшагумдир дадажоним.

Гулчехра ДУРДИЕВА

• ФАН ОЛАМИДА

«Академасбоб»нинг
самарали
изланишлари

Ўзбекистонда физикавий электроника бўйича илмий мактаб яратилган. Бу мактаб фақат фундаментал билимлар соҳасидаги илмий кашфиётлар билангина эмас, балки технология ва асбоб-созлик яратмалари билан ҳам машғур.

Шу ўринда бу каби мукамал технология ва асбобларга ўнлаб хорижий патентлар олинганини айтиб ўтиш жоиздир. Бунда шубҳасиз, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган технологиялар ҳам юқори баҳоланди. «Пўлат, қотишма ва ойналар сиртига зеб беришнинг ионлиплазмали технологияси» деган мавзуда амалга оширилган изланишлар ҳам бошқарма олимларининг жиддий ютуғи бўлди.

«Академасбоб» бирлашмасининг Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими билан ҳамкорликда амалга оширган тадқиқоти ҳам электроника ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Диффузлар ва иссиқлик ўтказувчанлик назарияси масалаларини ҳал этишга қаратилган илмий изланиш ҳам ўз ихобий натижасини берди. Ҳозир бу тадқиқотни янада давом эттириш устида иш олиб боришмоқда.

«КП-303» типидagi транзисторларнинг электроник хусусиятлари ҳам атрофлича ўрганилди, янги қурилмалар яратишга доир изланишлар бирлашма олимлари тадқиқотлари дастури бўйича амалга оширилмоқда.

Анвар АҲАДОВ

Бурч ва масъулият ҳисси

Ўз ишига пухта малакали шифокор кадрларни тайёрлашни давр талаблари асосида ташкил этиш тиббиёт олий ўқув юртлири олдида турган асосий вазифалардан биридир. Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида ҳам таълимий жараённинг бу каби муҳим жиҳатларига амал қилинмоқда.

Бу борада институтда қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. 2002-2003 ўқув йилининг «Кадрларга бугунги кун талабларига мослашши маҳорати ва иштиёқига эътибор йили» деб эълон қилиниши ҳам аини мудабо бўлди.

Бу муҳим таълимий тадбир «Шифокор — педагог — аъёнлар ва инновациялар дунёсида» деган широр остида ўтказилаётганлиги ҳам эътиборлидир. Мазкур маърифий жараён

шифокор-педагогларда ўз вазифаси ва бурчига ўта масъулият билан ёндашиш, уларга инсонпарварлик руҳиятини, маълумотли эркинлик, бутунлик ва ҳаракатчанлик фазилатларини ривожлантиришга даъват этмоқда.

Бу эса олий ўқув юртида таълим олаётган талабаларга касбий бурчга содиқлик ва билимдонлиқни ўстиришнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Аҳмад АББОСОВ

Азжиб дунё

Соқовликнинг «давоси»

Бу воқеа Саудия Арабистонида яшовчи 25 ёшли қизда содир бўлди. У 5 ёшлигида соқов бўлиб қолган эди. Ота-онаси қизидан ёши икки барабар катта ва бадбашара куёв топиб, у билан бўлажак тўй ҳақида гаплашишга эътибор берди. Шу пайт қиз бирдан: «Бу ҳақда ҳатто гап бўлиши мумкин эмас, мен барибир унга ҳеч қачон турмушга чиқмайман!» деб бақариб юборди. Шу дақиқадан бошлаб у бемалол гапирмоқда.

Денгиз бўйлаб «дарё трамвайи»да

Атлантика уммони қирғоқларидаги кўрфазлардан бирида яшовчи балиқчилар бир кун эрталаб ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Кўрфазнинг сёзроқ жойларида «дарё трамвайи» усталик билан сүзиб борарди. Қирғоққа келгач, у саёзликка ўтириб қолди, лекин тўхтамади. «Трамвайи» балиқчиларни лол қолдириб, худди автобусага ўхшаб қирғоққа чиқиб юриб кетди. Янги кўринишдаги бундай амфибияни французлик ихтирочилар саёз дарё қирғоқларида яшовчи аҳоли пунктларини бир-бирлари билан боғлашда фойдаланиш учун махсус ишлаб чиқдилар. Унинг остида жуда кенг қилиб ишланган тўртта гилдирак ўрнатилган бўлиб, бортга 150 йўловчини олади.

Алдаб сотолмайсиз

Дарҳақиқат, ҳар қандай савдогар молини албатта, мактаб сотади, хоҳ у эски бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин. Бироқ америкаликлар эски машинани бунба-таъмирлаб, янги деб сотишолмайди. Чунки Америкада 10 долларга махсус мослама сотилади. У сотиладиган машинанинг эски-янгилигини, минилган-минилмаганини тўғри аниқлаб беради. Шунинг учун ҳам у ерда мактовларга кўп ҳам учаверишмайди.

«Алкостоп» — ичкиликка қарши

Францияда ишлаб чиқарилган «Ал-костоп» деб номланган асбоб спиртли ичимлик ичган одам автомобилни ҳайдамоқчи бўлса, уни юрғазмай қўяди.

Бу қурилма Франциянинг Бордо шаҳридаги йирик халқаро кўргазмада намойиш қилинган. Қурилма машинанинг ўт олдириш тизимига уланади. Ҳайдовчи машина ҳайдашдан олдин махсус трубкага пуфлайди ва бир неча сония вақт ўтгач, асбоб ўз таъхисини беради. Мабодо, организмда алкоголь борлиги сезилса, таблода қизил чирок ёнади ва ўт олдириш тизимини узиб қўяди. Бордолик муҳандис Пьер Константенинг бу кашфиёти кайф билан машина бошқаришга яхшигина «тормоз» бўлиб хизмат қилади.


Самимийлик ва иқтисод

Цюрих марказий телефон станцияси хизматчилари ўз мижозларига «асалому алайкум» сўзини айтмайдиган бўлишди. Гап шундаки, маҳаллий иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларида ҳар бир сменда етти минг марта телефонда гаплашилса, бу рақам саккиз соатни ташкил этади. Аънавий саломлашдан воз кечилгач, телефон станциясида бир кишининг ўрни иқтисод қилинди.

Ҳовуздаги кинотеатр

Калифорниядаги Сан-Диман шаҳрида ғаройиб кинотеатр очилган. Унинг эгаси Кент Ламастер ҳовуз четига экран ўрнатиб, сувга шиширилган резина ўриндиқлар қўйган. Томошабинлар бир вақтнинг ўзида ҳам фильм томоша қилиб, ҳам кечки иссиқ ванна қабул қилишлари мумкин.

Муқаддас УМАРБЕКОВА тайёрлади.



Кишки таътил кунлари марокли ўтмоқда.



Сергей Любич олган суратлар.

Бўлажак адиб Тур шаҳрида ҳуқуқшунос оиласида таваллуд топган, унинг ота-онаси ҳам фарзандларининг шу касбини эгаллашни астойдил хоҳлашарди. Шу боис ёш Оноре маҳаллий гимназиялардан бирини тамомлагач, Европанинг энг кўҳна илм даргоҳларидан бири — Сарбонна университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга қиради. Таълим даргоҳида ёш толибнинг устозлари унинг фақулодда қобилият эгаси эканлигини эътироф этишар, келгусида ундан тажрибали ҳуқуқшунос чиқишига ишониларди.

Тўғри, у ўқишни битиргач, кичик-кичик суд маҳкамаларида ҳам ишлаб кўрди. Аммо ўша даврнинг адолатсизлик билан тўлиб-тошган муҳити унинг бу соҳада фаолиятини давом эттиришга имкон бермади.

Бальзак ёшлигидан адабиётга ўзгача меҳр қўйган бўлсада,

бирок у ёзувчи бўлишни орзу қилмаганди. У ижодга кеч қўл урди. Дастлабки «Кромвель» трагедияси яратилган чоғда муаллиф қарийб 30 ёшни қоралаб қолган эди. Шу-шу адиб бутун борлиги билан ижодга шўнғиди. Унинг ҳар бир асариде воқеликнинг ҳаққоний инъикоси, фалсафий теранлик, чуқур мазмун аяқол акс этиб турарди. Шу боис ёзувчининг асарлари тез орада шўхрат қозониб, унинг ўқувчилари сафи борган сари орта борди.

Оноре де Бальзакнинг ижодий маҳорати, машаққатли меҳнати, фидойилиги самараси ўлароқ 96 (!) та буюк асарларни ўз ичига олган «Инсоният комедияси» туркуми дунёга келди. Аслида бу рақам 143 тага етиши мўлжалланган эсада, умр адибга вафо қилмади.

Ёзувчининг мазкур туркумда иштирок этган қаҳрамонларининг умумий сони 2483 тани ташкил этади. Маълумотларга кўра Бальзак ушбу мажмуанинг сўнгги асарига охириг нуктани қўйгунга қадар 50 минг финжон қаҳва ичган экан. Сабаб ўз-ўзидан ойдинлашади. Мутафаккир адиб бир сутканинг 23 соатигача бекдор ўтириб, ижод билан машғул бўлар, уйқунни қочирши учун бир кунда 20-30 финжонгача қаҳва ичишга тўғри келарди.

Замондошларининг ёзишича, у бир пайтнинг ўзиде бир неча асарини ёзишда давом этар, улардан бирини ёзаётиб зерикиб қолса, дарҳол иккинчисини тўхтаган жойидан давом эттириб кетарди. Шу тариқа у ижодга берилиб, ҳафталаб ўз уйдан ташқарига чиқмасди.

Бальзак қаҳрамонлари табиятан бир-бирдан зимдан фарқ қилади. У ана шу персоналарга фель-атвори орқали бутун инсониятга хос бўлган қусур ва хислатларнинг асл моҳиятини очиб

бера олган эди. Масалан, Доктор Бьяншон илм, маърифат, тараккийпарварлик тимсоли бўлса, Рафаэль образи инсоний майл хоҳиш ва иродани ўзида ифода этади. Евгения Бранде, Гобсек одам боласи руҳиятидаги тубанлик, пасткашликни фош этса, Горио ота орқали меҳрга ташналик, оталик муҳаббатни тараннум этилади.

Биз сўзимиз бошида адибнинг ҳуқуқшунос мутахассислигига эга эканлигини айтиб ўтган эдик. Гарчи Бальзак бирон-бир ҳуқуқ-тартибот органида ишламаган бўлсада, унинг барча асарларида ҳуқуқшуносларга хос синқовлик, зийраклик, сезgirlрик, яққол кўриниб туради. Адибнинг ана шу хислатлари асарлари сюжетигади мукамаллик, изчиллик ва пурмаъноликни таъминлайди. Унинг юксак даражадаги ҳуқуқий саводхонлиги ўз давридаги юридик тизимнинг барча иккир-чикирларини очиб беришга хизмат қилган, айна пайтда унга қонунчилик соҳасига оид ўлмас сатрларни битиб қолдириш имконини берган эди. «Одатлар, — деб ёзади адиб, —бу одамлардир, қонунлар эса мамлакатнинг ақли. Одам кўпинча қонунлардан шайқат-сизроқдир. Аксарии номақбул одатлар қонунлардан устун келади». У ҳуқуқий саводхонлик ҳақида гапирар экан. «Ҳеч нарса қонунни билганимизде ёмон билмаймиз», дея афсус чекади. Хуллас, Бальзакнинг ёзувчилик бевосита даҳлдод бўлган кўпала асарлари ва кимматли фикрларини мисол келтириш мумкин.

Бальзак шу қадар юксак иқтидор эгаси бўлишига қарамай ўз фақирона умр кечирди. Бутун умр бой бўлишнинг орзусида бўлиб қолди. Инсоний муҳаббатни ўз асарларида тараннум этади, лекин умрининг охиригача оила қурмади. Чунки у аёлларга нисбатан ўтлоқайд муносабатда бўлар, ўз ақилларидан бирига «Аёл киши билан кечган бир оқшом учун ярим томлик асарга кетадиган қувват сарф бўлади. Мен эса ўз ижодимни шу тариқа барбод бўлишини истамайман», деган эди. Тўғри, у Эва Ханская исми у раин графиняси билан севишган бўлса-да уларнинг илк танишувида никоҳгача бўлган муддат 16 йилга чўзилди. Бирок 1851 йил кўкламида, никоҳ маросимидан бир неча ҳафта ўтгач бўлиб ёзувчи ҳаётдан кўз юмади.

Ўта камтарин ва сермазлум умр соҳибини шу тариқа фано муқини тарқ этади. Бироқ унинг бетакрор ижод маҳсули ҳисобланмиш дурдона асарлари адиб номини боқийликка муҳрла кетди.

Дилмурод ПАРПИЕ

• ЖАҲОН МАДАНИЯТИ НАМОЯНДАЛАРИ

Ўлмас сатрлар муаллифи

Ўн саккизинчи аср ўз поёнига ета бошлаганда, аниқроғи 1799 йилда дунё адабиётининг икки йирик даҳоси таваллуд топган эди. Уларнинг бири рус шеърятининг қўёши А.Пушкин бўлса, иккинчиси фаранг насрининг етук вакили Оноре де Бальзак эди. Бальзак фақатгина Франциянинг эмас, бутун жаҳон китобхонларининг энг севилими ва ардоқли адиби бўлиб қолажаги унинг болалик чоғида хаёлига ҳам келмаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

орзу қилиб яшади, бирок умр бўйи боши қарздан чиқмади. Инсоний муҳаббатни ўз асарларида тараннум этади, лекин умрининг охиригача оила қурмади. Чунки у аёлларга нисбатан ўтлоқайд муносабатда бўлар, ўз ақилларидан бирига «Аёл киши билан кечган бир оқшом учун ярим томлик асарга кетадиган қувват сарф бўлади. Мен эса ўз ижодимни шу тариқа барбод бўлишини истамайман», деган эди. Тўғри, у Эва Ханская исми у раин графиняси билан севишган бўлса-да уларнинг илк танишувида никоҳгача бўлган муддат 16 йилга чўзилди. Бирок 1851 йил кўкламида, никоҳ маросимидан бир неча ҳафта ўтгач бўлиб ёзувчи ҳаётдан кўз юмади.

Ўта камтарин ва сермазлум умр соҳибини шу тариқа фано муқини тарқ этади. Бироқ унинг бетакрор ижод маҳсули ҳисобланмиш дурдона асарлари адиб номини боқийликка муҳрла кетди.

Маҳорат мактаби

Ҳаёт боғининг гуллари ҳисобланган қизларни ҳар томонлама етук, тарбияли инсонлар қилиб вояга етказиш, уларни оилага тайёрлаш мақсадида жойларда амалий ишлар, кўриқ-танловлар, тадбирлар, ўқув семинарлари ўтказилиши нихозатда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳамза тумани хотин-қизлар кўмитаси, туман Маънавият ва маърифат маркази, туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Соғлом авлод» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида қизларни оилага тайёрлаш, уларнинг билимларини синаш мақсадида кўриқ-танлов ўтказилди.

Тумандаги «Бинокор», «Ўрта Масжид», Зебо Шамсиддинова ҳамда Муқимий номли маҳаллаларидан қизлар иштирок этишиб, ҳақамлар хайъати томонидан қўйилган шартлар асосида беллашилди.

— Ўтказилган танловдан кўрилган мақсад қизларнинг ҳар томонлама билим савияларини ошириш. Уларни пазандачилик, тикиш-бичишда ҳам синиб кўриш, — дейди туман маҳаллалараро хотин-қизлар кенгаши назоратчиси Раъно Усмонова. — Тадбирда педагог ташкилотчиларнинг, нуруний онахонларнинг, маҳалла фаолларининг қизларга берган баҳоси, ўғитлари ҳам, уларга бир мактаб вазифасини ўтади.

Орзуғул РУСТАМОВА

• БИР ТУМАН ЯНГИЛИКЛАРИ

«Маънавият ва маърифат» маркази Ҳамза тумани бўлими ҳамда «Кимолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши ташаббус билан «Ўзбек қозоғи» корхонасида «Маънавият ва ёшлар» мавзусида давр сўхбати ўтказилди.

Маънавият ва ёшлар

Унда иштирок этган «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Ильямира Турсунова бугунги кун мартабути ва унинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти барида катнашчиларга тушунтиришлар берди.

Шунингдек, давра сўхбатида ёшлар ҳам ушбу мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, ўзларини қизиқтирган саволлар билан мувожаат қилишди. (Ўз мухбиримиз)

«Маънавият ва маърифат» маркази Ҳамза тумани бўлими ҳамда «ЭКОН» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ёш авлод қалбида табиатга меҳрини ошириш ва атроф-муҳит тозаллигига эътиборни кучайтириш мақсадида мактаблараро мусобақа ўтказилди.

Болажонлар беллашишди

Мусобақа «Келажагимиз ва экология» деб номланиб, унда иштирок этган болажонлар ўзларининг ушбу мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини саҳна асарларида маҳорат билан ижро этишди. Ҳақамлар хайъати томонидан қўйилган шартларни аъло даражада бажарган 230-мактаб ўқувчилари гўлиб деб топилди ва уларга «Тўғри ҳақда» музақаймоқ» ташкилотларини соғвалари тақдим этилди. (Ўз мухбиримиз)

«050» —
Кутқарув хизмати
хабарлари

Шахси

аниқланмоқда

Юнусобод туманидаги «Бахор» кафе-си ёнидан оқиб ўтувчи Анхор каналидан номатълум шахсининг жасади топилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси вакили подполковник Олимжонов «050» кутқарув хизмати навбатчилиги қисмига хабар берди. Хабарда кутқарув хизмати гаввосларининг ёрдами зарурлиги сўралганди.

Рабданов бошчилигидаги кутқарувчи гаввослар воқеа содир бўлган жойга етиб келишиб жасадни сувдан чиқаришди ва ички ишлар вакилларига топширишди.

**Лифтдаги
«саёҳат»**

Мирзо Улуғбек туманидаги Қорасув-2 мавзеси, 17-уйда яшовчи фуқаро Рашидова «050» кутқарув хизмати навбатчилиги қисмига кўнгирак қилиб, шу уйнинг 9-йўлагидаги лифт ичидикикита ёш бола қамалиб қолганлиги ҳақида хабар беради. Кутқарувчилар айтилган манзилга қисқа вақтда етиб келишди. Зудлик билан лифт эшиги очилиб болалар лифт ичидан чиқариб олинди ва ота-оналарига соғ-саломат топширилди.

**Қудуққа
тушиб кетди**

Хамза тумани ҳудудидаги Кадишев бозори ичидики фуқаро Қаюмова эътиборсизлиги туфайли оғзи очик қолдирилган қудуққа тушиб кетди. Ушбу хабарни эшитган кутқарувчилар тезда воқеа юз берган жойга етиб бориб, аёлни қудуқдан чиқардилар.

Илон ушланди

Шайхонтохур тумани, Алоқа-57 кўча, Маориф тор кўчаси, 46-уйда яшовчи Ойбек Зуфаров «050» кутқарув хизмати кўнгирак қилиб, хонадонидики илон борлигини маълум қилди. Кутқарувчилар Музаффар Зуфаровжаев, Илхом Зиёмухамедовлар лейтенант Отабек Шоюсовлар раҳбарлигида воқеа содир бўлган жойга тезда етиб келишди. Узунлиги салкам бир метр бўлган захарли илон ушлаб олинди.

**Дарахтга
урилди**

Мирзо Улуғбек туманидаги Буюк Ипак йўли кўчасида «ВАЗ-2108» русумидаги ёнгил автомашина йўл четига дарахтга урилиб, автоулов пачоқ бўлгани, ҳайдовчи кабина ичидан чиқолмаётгани ҳақида «050» — кутқарув хизмати кўнгирак бўлди. Кутқарувчилар махсус асбоблар ёрдамида машина эшигини очиб, ҳайдовчини кутқариб касалхонага жўнатдилар. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.

Тезкор ёрдам

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчилиги қисмига Сергели тумани, Дуслик-2 мавзеси, 4-уй, 1-кириш-чиқиш йўлаги лифтида аёл киши қамалиб қолганлиги тўғрисида фуқаро Раҳимовдан хабар тушди. Кутқарувчилар лифт эшигини очиб бердилар.
**Ўткир САЙДОВ,
Муҳиддин ИСОҚОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати ходимлари.**

• САНЪАТ

Республика ўқувчилар саройида ҳозир бир неча ижодий студия ва бадий ансамбллар фаолият кўрсатмоқда. Болалар ракс ансамбли эса «Юлдуз» номи билан кенг оммалашиб кетди. Мазкур ижодий гуруҳнинг ташкил топганига 60 йилдан ошди. Бу орада унинг бағридан кўплаб истеъодли санъаткорлар етишиб чиқди. Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Дилафрўз Жабборова, «Баҳор» Давлат ракс ансамблининг қатор раққосалари шулар жумласидандир.

«Юлдуз»нинг ижодий парвози

Мана ўн йилдирки, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадрахимова «Юлдуз» ансамблига бадий раҳбарлик қилиб келмоқда. У бир вақтлар шу ансамблининг ҳаваскор раққосаси бўлган эди. Эндликда унинг ўзи устоз санъаткор сифатида ёш раққосаларга бош бўлиб, уларнинг ижрочилиги маҳоратини ошириш учун куч-ғайратини бахшида этмоқда.

Ансамбль шу йиллар давомида чет эл ижодий сафарларида ҳам бўлди. Туркия, Покистон мамлакатларида ўтказилган халқаро болалар фестивалларида ёш раққосаларнинг чиқишлари яхши кутиб олинди.

Яқинда «Юлдуз»чилар олтинчи йиллик тўйлари муносабати билан республикамизнинг қатор вилоятларида концертлар билан чиқди. Янги тайёрланган байрам концертларидан кўпгина жозибали рақслар ўрин олди.

(Ўз мухбиримиз)

• АЛОҚАЛАР

**«МАСТЕР-КЛАСС»
САМАРАСИ**

Жанубий Корея фуқароси Сим Ире Тимотей Сеул университетининг мусиқа ва АҚШдаги Хьюстон университетининг Гранд-хор факультетларини тугатган юқори малакали мутахассис, «Ипак йўли» номли хор жамоасининг раҳбари.

Хамза номидаги мусиқа коллежи раҳбарияти ушбу хор жамоаси билан ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳамкорлик жаноб Сим Ире Тимотей раҳбарлиги ва дирижёрлиги остида «Ипак йўли» хор жамоаси томонидан ўтказилган концерт дастури, хор дирижёрлиги бўлими ўқувчилари билан очик дарслар ҳамда «Мастер класс» машғулотида ўз аксини топомқда. Айниқса машғулотларда хор

санъатининг жаҳонда тутган ўрни, уни қай даражада ривожлантаётганлиги, Америка ва Ўзбекистон хор ижрочилиги йўналишлари, хорни бошқариш усуллари, хорнинг замонавий услубларни қийсий ва амалий таҳлиллар билан тушунтирилиб берилиши ўқувчилар қизиқишини орттирмоқда. «Мастер класс» дарсида Ф.Шуберт, В.Моцарт асарлари устида ишлаш борасидаги амалий

машғулотлар ижодий самара бермоқда. Унинг ҳар бир маъшулотли ва ҳолисона ўтказадиган дарси ўқувчи ва ўқитувчилар диққатини тортмоқда.

— Ўзбекистонни жуда севиб қолдим. Ўзбекистонликларнинг юксак истеъод эгалари эканликларини, айниқса ёшлар билан хор жамоасида ишлаш, уларга жаҳон мусиқа дурдоналарини ўргатиш мен учун жуда мароқли, — дейди Сим Ире Тимотей. Шунингдек, ўзбек тилини ўрганаётганлиги ва бу ўзбеклар билан янада яқиндан мулоқотда бўлиши учун имконият яратишини ифтихор билан гапирди.

Коллеж раҳбарияти С. И. Тимотейнинг олиб бораётган фаолиятдан мамнун бўлиб, у билан ижодий ҳамкорликини мустақамлаш режасини тузмоқда.

Садбархон ЖҲРАЕВА

• ҲАМКОРЛИК

Махсус дастур бўйича

Ўқув жараёнида замонавий тиббий таълим технологияларининг татбиқ этилиши малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Шу туфайли иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти бой тажрибалар асосида талабаларга билим беришга асосий эътиборни қаратмоқда.

Бу эса олий ўқув юртининг халқаро алоқаларини кенгайтириш имконини бермоқда. Шу мақсадда институт профессору-ўқитувчиларидан бир неча нафари чет элларда бўлиб, ўз билим ва малакаларини оширдилар. Испаниянинг Гренада университетида, Финляндиянинг Або-Академиясида ҳам ушатирилган тренинг-семинарлар ёш мутахассисларга катта ёрдам берди.

«Соғлиқни сақлашда менежмент» дастури бўйича Буюк Британияда ушатирилган сабоқлар ҳам самарали бўлди. Миср Араб Республикаси тиббий илмий марказлари ҳам институт ходимлари учун билим ва малака ошириш даргоҳларига айланиб қолди.

Москвадаги Сеченов номи, Санкт-Петербургдаги Мечников номи тиббиёт академиялари билан ҳам алоқа боғланди. Бу эса ана шу йирик илм-фан марказларида малака ошириш учун қўлай имкониятлар яратилди.

(Ўз мухбиримиз)

Қувноқ арча атрофида

Айни кунларда мамлакатимизнинг қайси бир бурчагига борманг жондан азиз болажонларимиз учун қувноқ арча байрами томошалари қизиқарли ва шодиёна давом этмоқда.

Жумладан шахримиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида ҳам фарзандларимиз учун таниқли ва севимли Обид-А театри қизиқчилар гуруҳи ўзларининг арча атрофида янги йил томошаларини намойиш этишмоқда. Томошадан қизиқарли интермедиялар, эртак қаҳрамонларининг чиқишлари, хинд кинофильмларидан кўринишлар, ҳазил-мугтойибалар, кўшиқлар, шу билан бирга болажонлар учун севимли бўлган Қорбобо ва Қорқизнинг арча атрофида қувноқ ўйинлари ўрин олган. Байрам томошаларида «Обид-А» театри қизиқ-

чилар гуруҳи аъзолари О.Асоев, Б.Мухаммадхўжаев, Ҳ.Мухаммадхўжаев, Ш.Исроилов, Т.Азиев, В.Шамшиевлардан иборат эл севган санъаткорлар ўзларининг янги йил байрам дастурлари билан қатнашмоқдалар. Томошани севимли санъаткоримиз Музаффарбек Мирзабеков олиб бормоқда ва арча байрамига ташриф буюрган болажонлар билан турли хил қизиқарли ўйинлар, жумладан «Ҳа ва йўқ» сингари ўйинлар ўйнаб фарзандларимиз қалбига бир олам қувноқ бахш этмоқдалар.

(Ўз мухбиримиз)

• ТАНЛОВЛАР

**Энг яхши
илмий
раҳбар**

Кўп қувончли воқеаларнинг гувоҳи бўлган 2002 йил республикамиз илм-фан ноибондлари учун ҳам самарали бўлмоқда. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти жаррохлик кафедраси мудир профессор Са-римуфбек Наврўзов ҳам катта муваффақиятларни кўлга киритди.

Уз умрини илм-фан тараққиётига сафарбар этиб келаётган бу тоғлиқ тадқиқотчи ўзининг йирик изланишлари билан бутун республикамизга яхши танилган.

Республика халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда республика «Устоз» жамғармаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» танловида бу йирик олим энг юқори рейтинг кўрсаткичига эришди.

Танловнинг ғолиби бўлган ушбу олим кўплаб илмий тадқиқотларнинг муаллифи сифатида фаолият кўрсатди. У қатор изланувчан ёш илмий ходимларга устозлик қилди.

Республика жарроҳлар ушбу маснинг ҳақиқий аъзоси сифатида ҳам у жўшқин фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг Германия, Англия, Бельгия, Италия каби ўнга яқин чет мамлакатларда уюштирилган халқаро илмий анжуманларда қатнашиши ҳам ижобий баҳоланди.

Бугунги кунда у мамлакатимизда онкология, гематология ва нур диагностикаси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш ишида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Ақбар АЛИЕВ



Юқори каватда.



Пастки каватда.

Тежодликнинг ҳаёти бежодлик.
Абдурасул Ҳакимов чизган суратлар.

(Ҳазил)

Мусобақаларни бошлаб юборишди

Янги йил тантаналари шукуҳи кетмай туриб теннисчилар халқаро мусобақаларда иштирок этишга ҳам улгуришди.

Австралияда Хопман Кубоги турнирида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси АҚШ теннисчилари билан ўзаро куч синашди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Австралия очқч чемпионони олдидан ўтказилаётган ушбу мусобақа ҳамюртларимизга омад келтирмади. Чунки Жеймс Блекка қарши кортга тушган Олег Огородов биринчи сетни 7/5 ҳисобда ўз фойдасига ҳал этган бўлса-да, кейинги сетларда 4/6, 1/6 ҳисобларида рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Теннисимиз «малик»си, ҳозирда жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари орасида 16-ўринни эгаллаб турган Ирода Ҳўлагановага жаҳоннинг биринчи ракеткаси Серена Уильямс билан кечган ўйинда осон бўлмади. Дастлабки сетда 3/6 ҳисобда енгилган Ирода жароҳат олди ва кейинги сетни ҳам рақибига 2/6 ҳисобда осонгина топширди.

Гиламда — ёш полвонлар

Ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг роли катта. Шу боисдан ҳам ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ўтказиб келинган. Қуни кеча Бухоро вилоятида академик лицейлар, лицейлар, коллежлар жамоалари ўртасида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг навбатдаги босқичига старт берилди.

Ушбу турнирнинг финалига йўлланма олиш учун барча туманлар жамоалари астойдил кураш олиб боришди. Айниқса белбоғли кураш бўйича ўтказилган беллашувларда ғолиб жамоани аниқлаш осон кечмади. Аммо Бухоро, Олот, Жондор туманлари ёш полвонлари ғолибликка асосий даъвогарлардан эканликларини яшириб ўтиришмади. Турнирда ғолибликни қўлга киритган Бухоро тумани полвонлари кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Дарвоқе, турнир якунида ғолиб ва совриндор жамоалар аъзоларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Акбар Йўлдошев

Лаббай?! Қўшникида! Нега бўларди! Ҳаммасига эркатойимиз сабабчи. Ўзи биттаку, аммо, бутун маҳаллага татийди. Йўқ, худога шукур урушқоқ эмас. Қошқийди урушқоқ бўлса. Ўтган кетганини кўзини кўкартириб, лунжини шишириб юрарди-я! Э, йўқ, ичмайди. Хали ёш-ку. Шу йил пивёз пишмида ўн учдан ўн тўртга қадам қўяди. Ха-да! Шўхлик ҳам гапми? Фирт ўзи. «Бели оғримагани нон ёйишини қара» деган гапни эшитганмисиз! Ўша! Уйда на теша қолади ва на ўроқ. Ким нима сўраб келса бериб юбораверади. Кейин мен уйма-уй тентираб йиғиштириб юраман. Катта гилам билан мошининг домкратини хали ҳам толганим йўқ. Улар бўлсам ўлиб бўлдим унинг дастидан. Бу нарсаларни осонлик билан топламани? Эсинг жойидами? Ойлик билан тирикчилик қилиб бўларканми? Ха-да! Оласан. Олмай кўрчи, ўзингни олиб ташлашди. Пастдан олиб, тепага узатиб туриш керак. Механизм ўзи шунақа! Ке гагдан чалгимайлик.

Бир бошидан тушунтириб бермасам, барибир тушунмайсан. Янги йил арафасида тушдан кейин келинингнинг онасини табриклагани қишлоққа кетган эдик. Кетишдан олдин, ўғлига яна бир марта тайинлаб, — ҳеч нарсага тегмагани икки соатда келамиз, сен «видик» кўриб ўтиргин, — деб тайинладик... Йўл-йўлакай, кечаси ўн иккида келиб Тойчоқни таб-

риклаб кетсин деб Қорбобони томоғини ёғладик.

Уйга келсак жимжитлик! Иккинчи қаватда кўтарилдик. Жимжит! Учинчи қаватда ҳам шу аҳвол. Жимжитлик. Ертўлага тушдим. Кўчиб кетган ховлига ўхшайди. Ховли бурчагидаги оёғини узатиб бўрибосар ухлаб ётибди. Аммо тойчоқ кўринмайди. Юрагим киндан чиқиб кетаёзди. Онасини-ку кўяберасан. Рангидево! Яна юқорига отилдим. 120 киши сифадиған меҳмонхона ўртасидаги 50 долларга олган бўйи уч метрлик арча 200 долларлик ўйинчоқлари билан йўқ. Осмонга чиқдим, ерга кирдим, худо билади. Бу аҳволни кўриб хотинининг эси оғиб, 500 долларлик ипак гиламининг устига «урс» этиб йиқилди. Сувга югурдим. Ховлининг ўртасидаги фавворалик ҳовузнинг суви музлаган. Жўмрақда ҳам сув йўқ. Қўқон дўппини тўлдириб олиб келган қорни башарасига селиб аранг ўзига келтириб олдим. Шолғом тўлдирилган қанор қолдек хотини ўрнидан тургазаётти рангли қоғоз ёпиштирилган деворга кўзим тушиб қолди. Олти метрлик эроний ипак гилами осилган жойда тўртта миҳдан бошқа нарса йўқ. Кўз олдим қоронғилишиб бошим гувиллаб кетди. Болани шу гиламга ўраб... Хотинга қарадим. Унинг кўзи жовон устидаги икки юз долларлик «музыкальни центри» ўрнатилган бўш жойда эди. Жовон устида иккита қассетанин лентаси чуваланиб ётарди.

— Шип-шийдон қилиб кетишпти-ку! Ўзига келган хотинининг оғзидан чиққан гап шу бўлди. Оёқни қўлга олиб бола-хонага югурдим. «Од» солиб кўни-қўшнилари йиғиш керак! Уйимизни ўғри урди! Болаҳонанин тўйиниға яқинлашиб, кафетинни оғзимга қарнай қилиб бақириб учун оғиз жуфтладим. Аммо... овозим бўғзимда қолди. Бақира олмадим. Сабаби кўзим кўшнининг ховлисига тушиб қолди. У ерда эса... У ерда... Эҳ! боласи тушмагур! Не кўз билан кўрайки, ўқитувчи кўшнимизнинг томи устига қора қоғоз ёпилган, паҳса деворнинг ярми сувалмаган ховлисида 200 долларга келган ўйинчоқларни кўз-кўз қилиб, уч метр келадиган 50 долларга олинган арча тўйга борган божхона раҳбарининг хотинидек ялтир-юлтур безакларни кўз-кўз қилиб товланиб турарди. Худди шу пайт 300 долларлик нақшндор кўча эшик «тарақлаб» очилиб Тойчоқ ховликига кириб келди. Мен ўзимни пастга урдим. Ўғилни қўлогини чўзиб қўймаса бўлмайди! Лекин уни мен билан гаплашгудек ҳолати йўқ эди.

— Келдинларми, бўлақолинглар. У йўл-йўлакай шундай, деб меҳмонхонага кирди-ю, апила-тапил жовонда тизилиб турган биллур қадаҳларни қумуш барқашга тера бошлади.

— Хой-хой, нима қиляпсан? Бу қадаҳларни Солиқ идорасининг бошлиғи, хотини билан меҳмонга келганида ҳам жойидан қимирлатмаган эдик-ку! — дедим жон ҳолатда.

— Бу ерда чағг босиб ётганидан кўра ишласин!

— Тушунтириб гапирсанг-чи уларни нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим дада, ҳизмат қилсин! Соат ўн иккига заҳ урганда, Озодларнинг лаби урган «Тошкент пивёласи»да шампанский ичмайсизку!

— Нега энди Озодларникида шампанский ичшимиз керак?

— Чунки «Янги йил»ни ўшаларникида ҳаммамиз бирга кўтиб оламиз-да, дадажон!

— Хой, менга қара, бола, қўқонимни қайнатма. Уч қаватлик қирқ олти хоналик ўйимиз туриб, нега энди ўша Озодангнинг гувала деворлик уйида «Янги йил»ни кўтиб олишимиз керак экан?

— Негаки, улар бизнинг кўшнимиз. Яхши кўшнилари тоған-тутганини байрам кунлари ўртада баҳам қуришлари керак.

Эр-хотин, ўн тўртга қираётган Тойчоқнинг гапига нима деб жавоб топишни билмадик. Чунки бу гапларни ўқитувчилик қилиб юрган келарми унга ўзим ўргатган эдим-да. Бирдан девордик ёғ осма соат бонг уриб, ўн беш минут кам ўн икки бўлганлигини билдирди. Ўн беш минут да нима ҳам қилишимиз мумкин? Мен ошхонага югурдим «Янги йил» дастурхони уч харид қилинган масалликларни кўтариб қўшниккига раван бўлдик. Кўшнимиз бизнинг ниҳоятда хурсанд бўлиб кўтирилиши. Байрам кечасида, бизнинг Тойчоқ кўшнимизнинг қизи Озода билан елиб-югуриб қизга хизмат қилишди.

Жўра МАХМУ

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Кунлардан бир кун

Ҳақгўй Қирол Бирманин кўҳна қайдномасида ёзилишича, 1247 йилда тахтга ўтирган қирол Нерат рафикаси билан ҳар қуни шахмат ўйини ва кетма-кет уч бор мот бўлганидан сўнг аслида у эмас, балки хотини тож соҳиби бўлиши кераклигини таъкидлар экан.

Мардонавор тош

XVII асрнинг машҳур италян шахматчиси Жоакино Греко (1609-1634) шахмат тўғрисидаги қўлёзма рисоласида шундай дей-

ди: «Рух — мардонавор тош, ундан султ ҳўможда фойдаланиш ақлдан эмас, одобсизлик саналади».

«Симпсон» қаҳвахонасидаги машҳурлар

1839 йилда «Симпсон» қаҳвахонасида ўша даврнинг кучли шахматчилари француз Пабурдонне билан ирландиялик Мак-Доннелл ўзаро баҳс юриштишди. Бир йил ўтган бу ерда Буюк Британия тарихида биринчи шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. У машҳур тарихчи, шахмат устаси ва социолог Боқл галабаси билан туғди. Қаҳвахонани доимий равишда зиёрат этувчилар орасида дунёнинг машҳур шахматчилари бўлиши Стаунтон, Андерсен (унинг бу ерда Кизерцкий билан ўйнаб қозонган галабаси «муқаддас» номини олган), Стейниц, Цукерторт каби машҳур спортчилар бор эди. Шахмат даҳоси америкалик Морфи зиёратчилар китобчасига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Қаҳвахонангиз — Лондондаги яққаю ягона ёқимли жой».

Ютқазган тўласин

Италиянинг «Гадзеттино» газетаси 1882 йилнинг апрелида берган хабарига қўра, Венециянинг шахмат клубида ҳар бир зиёратчи ютқазган партияси



учун кассага 15 сольдо (пу тўлаши шарт бўлган).

Анвар ИНОҚОИ шахмат бўйича спорт усталлиғига номзод

Маҳоратингизни синаб кўринг

1) Мураккаб вазият. Чунки қораларда бир пийда ортиқча. Унинг устига у фарзинга чиқай деб турибди. Аммо оқлар чорасини топиб дуранга эриша-

ди. Сиз қандай юриш қилдингиз, азиз мухлис. 2) Оқлар бошлаб икк юришда қораларни мот қилиди.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«АСАКА» банки Тошкент шаҳар филиали қизлар ва аёлларни шартнома асосида валюта айирбошлаш шохобчалари хазиначи-назоратчиси лавозимига ишга тақлиф этади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 73. Ходимлар билан ишлаш бўлими, тел. 120-83-08.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси жамоаси Бошқарув раисининг ўринбосари Рустам Маҳаматович Азимовга қизи **ДИЛБАРНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси раҳбарияти «2-Ав токомбинат» ОАЖ Бошқаруви раиси Убайдулла Маннапович Ва лиевга падари бузуқвору **Манноп ота ВАЛИЕВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман халқ таълими бўлими ва 179 ўрта мактаб ўқитувчилар жамоаси шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси **Фарида МИРОСУПОВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 боёма табоқ, офсет усулида босилади.
7587 нусxada босилади. Қўноқ биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида
10-қаватда бўлиб дўриштирилган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ширкатидаги компанияси босмоқхонаси
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.